



ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ, ХУСУСАН КРЕДИТ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Халилов Сардорбек Рустамбекович¹, Аскарлов Жасур Тохирович², Матолов Хуршидбек Хурсандович³

¹ “Hamkorbank” ATB “Кредит портфели таваккалчиликлари баҳолаш сектори бошлиғи”. Банк-молия академияси “Банк иши” йўналиши тингловчиси,

² “Hamkorbank” ATB Кредитларни мониторинг қилиш бошқарма бошлиғи. Банк-молия академияси “Банк иши” йўналиши тингловчиси.

³ “Hamkorbank” ATB Термиз филиали бошқарувчи ўринбосари. Банк-молия академияси “Банк иши” йўналиши тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5651318>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20- oktabr 2021
Ma'qullandi: 25- oktabr 2021
Chop etildi: 30- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Банк, банк фаолияти, риск, кредит, ички кредит рейтинг тизими, операцион риск, кредит риск

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада тижорат банклари кредит портфелидаги кредит таваккалчиликлари бошқариш билан боғлиқ бўлган механизмларнинг самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Биламиз, банк фаолияти таваккалчиликка асосланган фаолиятдир. Банк фаолиятида таваккалчиликлари бошқариш вазифалари ҳар доим жуда муҳим ҳисобланган

Ўзбекистон банкларида рискларни бошқаришни амалга ошириш зарурлигини кўрсатишдир, чунки илғор тажрибали банкларда рискларни бошқариш тизими узоқ вақтдан бери банк бошқарувининг муҳим элементи, унинг рақобатбардошлиги кафолати сифатида эътироф этилган.

Ҳар қандай иқтисодий муҳитдаги банк хизматлари истеъмолчилари учун банк хизматлари жозибadorлигини оширишда операцион процедураларнинг аниқ, тезкор бажарилиши, хатолар ва носозликларнинг йўқлиги, банк мажбуриятларининг ўз вақтида

бажарилиши асосий омиллардир. Бу омиллар – барқарор ривожланиш гарови, шунингдек мижозларнинг юқори ишончига сабаб бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда банк кредит портфелида муаммоли кредитлар улуши даражасини мақбул даражада бошқариш, бунда фойдаланиладиган ёндашув ва услублар ҳамда моделлар етарли даражада батафсил ўрганилган. Муаммоли кредитлар, одатда ташқа ва ички, макро ва микроиқтисодий, ёки банкка боғлиқ бўлган ва бўлмаган омиллар таъсирида келиб чиқади.



Базел қўмитасининг “Кредит таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари” йўриқномасининг 2-бандида кредит рисқи тушунчасига келишилган шартлар бўйича қарздор томонидан ўзининг мажбуриятларини бажара олмаслиги деб таъриф берилган [1].

О.И. Лаврушин ўзининг “Банк иши ” дарслигида кредит рисқи тушунчасига, қарздорнинг кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятларининг мавжуд эмаслиги сифатида таъриф беради[2].

У.А.Тухтабаевнинг хулосасига кўра муаммоли кредитлар кредит рисқларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рисқларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айти кунда мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелидаги муаммоли кредитлар билан боғлиқ ҳолатларда номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, тижорат банкларидаги мавжуд муддати ўтган ва муаммо тусини олган кредитлар нафақат активлар сифатига салбий таъсир кўрсатади, балки кредитларни қайтмаслик хавфининг ортишига олиб келади.

Асосий материалнинг тақдимоти.

Мунтазам равишда янги банк хизматлари яратилади ва банк шу тариқа янги ва ўрганилмаган хатарларга жалб қилинади. Бу ўз навбатида таваккалчиликларни интеграллашган ҳолда бошқариш заруриятини келтириб чиқаради. Барча жараёнларда юз бериши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, таваккалчилик даражасини баҳолаш ва бошқаришни амалга ошириш зарурлигини англатади ҳамда операцион рисқларни бошқаришда “ҳар бир ҳодим рисқ менеджер” тамойилига амал қилишга ва лавозим йўриқномаларда бунини ҳужжатлаштиришга чақиради.

Банклар активларининг катта қисмини кредит қўйилмалар ташкил қилиши ўз ўзидан кредит таваккалчиликларни бошқаришга кўпроқ эътибор бериш заруриятини келтириб чиқаради. Кредит таваккалчиликларини бошқариш юзасидан халқаро тажрибалар кўпчилиги Базель қўмитасининг тавсияларига асосланган бўлиб, қўмитанинг бу бўйича бир қанча йўриқномалари ишлаб чиқилган. Улардан бири “Кредит таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари”¹ деб номланган ҳужжат ҳисобланади. Мазкур йўриқнома таркиби қуйидаги соҳалар²ни қамраб олиб, тегишли тавсиялар билан ёритилган:

¹ Манба: BIS.org халқаро Базел қўмитасининг расмий сайти

² Манба: муаллиф томонидан тайёрланди



Мақбул бўлган кредит риск мухитини яратиш тамойиллари

Кредит ажратиш жараёни асосидаги бошқарув

Кредитлаш жараёнларини баҳолаш ва мониторинг қилишни қўллаб қувватлаш

Кредит рисклари устидан муқобил назоратни ўрнатиш кафолатлари тамойиллари

Марказий банкнинг рўли

Йўриқноманинг ҳар бир бўлимида тегишли тамойиллар ва уларга риоя қилиш ҳамда амалга ошириш юзасидан тавсиялар келтирилган. Муҳим бир тавсиялардан бири бу кредит таваккалчиликларини бошқаришда банк бўлинмалари ташкилий

тузилмалари вазифалари ва уларнинг аҳамияти ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда кредит рискларни бошқаришда Банк Кенгаши ва Бошқарувининг асосий вазифалари хусусида маълумотлар акс эттирилган.

Жадвал 2

КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАР ВАЗИФАЛАРИ³

БАНК КЕНГАШИ
ВАЗИФАЛАРИ

БАНК БОШҚАРУВИ
ВАЗИФАЛАРИ

- Кредит рискларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган барча ҳужжатларни тасдиқлайди
- Бир йилда камида бир мартаба кредит рискларни бошқариш бўйича ҳужжатларни қайта кўриб чиқади
- Банк Кенгаши банкнинг кредит риск ҳужжатлари ва фойдага эришиш бўйича стратегияларида номувофиқликлар мавжуд бўлмаслигини таъминлаши керак
- Ва бошқалар

- Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кредит стратегиясни амалга ошириш учун жавобгар ҳисобланади
- Кредит рискларни назорат ва мониторинг қилиш, ўлчаш, идентификация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни амалиётда қатъий риоя қилинишини таъминлайди
- Банк стратегияси ва кредит сиёсатидан келиб чиқиб, диверсификация қилинган кредит портфели шаклланишини таъминлайди
- Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга риоя қилинишини таъминлайди

³ Муаллиф томонидан тайёрланди



Кредит рискларини бошқаришдаги яна бир муҳим тавсия ички рейтингга асосланган ёндашув (internal Ratings-based Approach) тизимига эга бўлиши юзасидан келтирилган (Йўриқноманинг учинчи боби ўнинчи тамойили). Бунда ички рейтинг тизими ҳар бир банк фаолиятининг ўзига ҳослиги, танлаган бизнес модели ва банкнинг кўлаמידан келиб чиқиши зарурлиги таъкидланган. Ички кредит рейтинг тизимини жорий қилиниши кредитларни ажратишдан бошлаб мониторинг қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бундан ташқари банк капитали етарлигини ҳисоблашда банкнинг таваккалчиликка мойиллик даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаш имкониятини беради. Ички кредит рейтинг кредит рискларини назорат қилишнинг муҳим инструментларидан бири ҳисобланиб, кредит портфелини мониторинг қилишда катта аҳамият касб қилади. Ички кредит рейтинг тизими кредит портфелдаги ҳақиқатда муаммога айланган кредитлардан ташқари потенциал муаммога айланиши мумкин бўлган кредитлар бўйича ҳам “эрта огоҳлантирувчи сигнал” вазифасини ўтайди. Бунинг ёрдамида банкнинг тегишли бўлинмалари кредит портфелини жорий ва истиқболдаги ҳолатларидан доимий ҳабардор бўлган ҳолда банкнинг кредитлаш стратегиясига даврий равишда ўзгартиришлар киритиб боришади.

Кредит портфелдаги ҳар бир кредит сифати бўйича тўғри ва муносиб кредит рейтинг берилишини таъминлаш учун ҳар бир мижоз бўйича кредит рейтингни белгилаш, тасдиқлаш ва даврий равишда рейтингни қайта кўриб чиқиш функцияси кредитлашдан алоҳида бўлган мустақил бўлинмада бўлиши керак. Бундан ташқари ички кредит рейтинг методологиясига ўзгартириш ва кўшимчалар қилиш нуқтаи назаридан методологияни қайта кўриб чиқиш ҳам кредитлашдан алоҳида бўлган мустақил бўлинма томонидан амалга оширилиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, кредит рискларини бошқариш ҳар доим банк учун энг муҳим масалалардан бири бўлган ва доимий равишда кредит рискларни бошқариш ёндашувлари ҳамда услубларини такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Шу боисдан Республикамизда ҳам банклар томонидан Базел кўмитасининг тавсияларини босқичма босқич жорий қилиб бориш, илғор ҳорижий тажрибалардаги замонавий моделларни қўллаш асосида рискларни бошқаришни янги босқичга олиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида банкларни жадал ва барқарор ривожланишига, потенциал инвесторлар учун янада жозибадор молиявий институтга айланишига ҳизмат қилади.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Principles for the Management of Credit Risk, 27 Sep 2000. BIS.org, Базел қўмитаси.
2. Банковское дело, /Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина.- М. "ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА", 2005г. С,369
3. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари / Автореф. дисс ... иқти.фан.намз. Тошкент, 2008. – 13 б.